

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/05.06.2020.Tib.102.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

НАРЗУЛЛАЕВ ИЛГОР ДИЛУРОДОВИЧ

ВЕРТЕБРОБАЗИЛЯР ЕТИШМОВЧИЛИК ФОНИДА ЯХШИ
СИФАТЛИ ПАРОКСИЗМАЛ ПОЗИЦИОН БОШ АЙЛАНИШИ
БЎЛГАН БЕМОРЛАРНИНГ ДИАГНОСТИКАСИ ВА
РЕАБИЛИТАЦИЯСИГА ТИЗИМЛИ ЁНДАШУВ

14.00.04 – Оториноларингология

ТИББИЙ ФАНЛАР БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
АВТОРЕФЕРАТИ

УЎК:

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of the Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD)

Нарзуллаев Илгор Дилуродович

Вертебробазиляр етишмовчилик фонида яхши сифатли пароксизмал
позицион бош айланиши бўлган беморларнинг диагностикаси ва
реабилитациясига тизимли ёндашув 3

Нарзуллаев Илгор Дилуродович

Системный подход к диагностике и реабилитации больных с
доброкачественным пароксизмальным позиционным
головокружением на фоне вертебробазилярной недостаточности..... 25

Narzullaev Igor Dilurodovich

A systematic approach to the diagnosis and rehabilitation
of patients with benign paroxysmal positional vertigo due
to vertebrobasilar insufficiency..... 45

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 47

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/05.06.2020.Tib.102.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

НАРЗУЛЛАЕВ ИЛГОР ДИЛУРОДОВИЧ

ВЕРТЕБРОБАЗИЛЯР ЕТИШМОВЧИЛИК ФОНИДА ЯХШИ
СИФАТЛИ ПАРОКСИЗМАЛ ПОЗИЦИОН БОШ АЙЛАНИШИ
БЎЛГАН БЕМОРЛАРНИНГ ДИАГНОСТИКАСИ ВА
РЕАБИЛИТАЦИЯСИГА ТИЗИМЛИ ЁНДАШУВ

14.00.04 – Оториноларингология

ТИББИЙ ФАНЛАР БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
АВТОРЕФЕРАТИ

Тиббий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида № В2021.1.PhD/Tib1829 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат тиббиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.sammi.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Насретдинова Махзуна Тахсиновна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Шамсиев Жаҳонгир Фазлидинович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Джамалудинов Юнускади Асхабалиевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Озарбайжон тиббиёт университети (Озарбайжон Республикаси)

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат тиббиёт университети ҳузуридаги DSc.04/05.06.2020.Tib.102.02 рақамли Илмий кенгашнинг мажлисида 2024 йил «___» _____ куни соат _____ да бўлиб ўтади (Манзил: 140100, Ўзбекистон, Самарқанд шаҳри, А.Темур кўчаси, 18-уй. Тел./факс: (+99866) 233-30-34, e-mail: ilmiyprorektori@sammi.uz).

Диссертация билан Самарқанд давлат тиббиёт университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____-сон билан рўйхатга олинган). Манзил: 140100, Самарқанд, А.Темур кўчаси, 18-уй. Тел./факс: (+99866) 233-30-34.

Диссертация автореферати 2024 йил «___» _____ да тарқатилди.

(2024 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Ж.А. Ризаев

илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Г.У. Самиева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

Т.Э. Зойиров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт
фанлари доктори, доцент

КИРИШ (фалсафа фанлари доктори (PhD) диссертациясининг аннотацияси).

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурути. Хавфсиз хуружсимон ҳолатий бош айланиши (ХХХБА) аҳоли орасида тарқалиши бўйича 3,4% ни ташкил этган ҳолда, умри давомида катта ёшдаги гуруҳда 10% га қадар етиб, бош айланишининг энг кенг тарқалган сабаби ҳисобланади. Шундай қилиб, ҳар ўнинчи одам ҳаёти давомида камида бир марта ХХХБА эпизодини бошдан кечиради. Касаллик гравитация векторига нисбатан бошнинг ҳолатида кескин ўзгариш бўлганда юзага келадиган айланма бош айланишининг қисқа муддатли хуружлари билан тавсифланади.

Вестибуляр симптомлар кузатилган беморни текширадиган мутахассиснинг асосий вазифаси вестибуляр анализаторнинг шикастланиш даражасини аниқлашдан иборат, чунки патологик жараённинг локализацияси ва табиати беморнинг қайси ихтисосликдаги шифокор томонидан даволаниши ва кузатилиши лозимлигини, шунингдек касалликнинг прогнозини бевосита белгилайди (Нух Ҳ.Е., 2013й., Strupp М., 2013й.).

Умуртқа артериялари патологиясида вестибуляр анализатор функциясининг бузилиши ички қулоқни қон билан таъминловчи лабиринт артериясининг вертебрал-базиляр ҳавзага тегишли бўлиши ҳамда баъзи муаллифларнинг фикрига кўра, ўрта қулоқ қон томирлар тизими билан анастомозларга эга эмаслиги билан боғлиқ (Лиленко С.В., Янов Ю.К., 2005). Шунинг учун УА бўйлаб қон оқими бузилганида ички қулоқ қалла бўшлиғидаги энг заиф жой бўлиб қолади ҳамда унинг шикастланишида кузатиладиган биринчи белгилар тўлиқ текширув пайтида бўйин ва бош миядаги магистрал қон томирлари касалликларининг дастлабки босқичида аниқланиши мумкин (Гофман В.Р., Накатис Я.А., 2002; Лиленко С.В. 2005).

Вертебробазилляр етишмовчилик патологияси мавжуд бўлган ХХХБАли беморларнинг ярим айлана каналлари ҳолатининг хусусиятларини ўрганиш бундай беморларда вестибуляр бузилишлар ташхисотини оптималлаштириш учун зарур. Сўнги ўн йилликларда нейровизуализация усулларининг ривожланишига ва вестибуляр тизимнинг функциясини объектив баҳолашга имкон берадиган юқори аниқликдаги асбобларнинг пайдо бўлишига қарамадан, вестибуляр бузилишлари бўлган беморни текшириш ҳали ҳам беморнинг шикоятларини, касаллик анамнези ва ҳозирги вақтда жуда кўп турли хил тестлар мавжуд бўлган клиник тадқиқот натижаларини атрофлича таҳлил қилишга асосланган (Strupp М., 2019й.). Бироқ, мазкур тестларнинг барчаси стандартлаштирилмаган ва ҳар бир бемор учун уларнинг тўлиқ тўпламини ўтказиш мураккаб ташхисот ускуналарини қўллаш билан бир қаторда жиддий асоссиз молиявий ва вақт харажатларини келтириб чиқаради (Бронштейн А., 2017). Баъзи муаллифларнинг фикрига кўра, ВБХдаги ишемик инсулт 11% ҳолларда ягона шикоят– айланма бош айланиши билан бошланади, қолган симптомлар (визуал, мияча, окуломотор ва бошқа устун бузилишлари) кейинроқ пайдо бўлади (Богданов Э. И., 2019).

Шунинг учун клиник ва неврологик ташхисот билан бир қаторда инструментал текширув усулларидан фойдаланиш керак. Ушбу бузилишларни

олдини олиш ва даволаш имкониятлари йилдан йилга ангиография, ультратовушли доплерография (УТДГ), термография, мия қон оқимини ўрганиш учун импеданс текширув усуллари, компьютер томографияси, магнит-резонанс ангиография (МРАГ), спирал компьютер томографиясини (СКТ) қўллаш, жарроҳлик аралашувларини ўз ичига олган дифференцирланган патогенетик даволашдан фойдаланиш туфайли кенгайиб борапти.

Мазкур диссертация иши Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60–сонли “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги, 2018 йил 7 декабрдаги ПФ–5590–сонли “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора–тадбирлар тўғрисида”ги Фармонлари, 2021 йил 28 июлдаги ПҚ-5199-сонли “Соғлиқни сақлаш соҳасида ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий–ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Бугунги кунга келиб, вестибуляр бузилишларнинг структураси ҳақида маълумотлар мавжуд, аммо улар бир-бирига зиддир. Адабиёт маълумотларига кўра, бош айланишининг барча сабабларидан 5% дан 25% га қадари ҳаёт учун потенциал хавfli ҳолат бўлиши мумкин. ХХХБА ва Д витамини танқислиги ўртасидаги ўзаро боғлиқлик ҳақидаги маълумотлар адабиётларда ўрганилмаган ва хорижий адабиёт маълумотларига кўра қарама-қаршидир. Кўпгина тадқиқотчилар Д витамини танқислиги ва ХХХБА ўртасидаги корреляцион боғлиқлик мавжудлигини кўрсатишади; бир қатор тадқиқотлар эса ушбу назарияни тасдиқлашмайди. Хавф омилларини ўрганиш қизиқиш уйғотади, вестибуляр бузилишларнинг ҳар хилда бўлиши кўпинча қон томир патологиясига боғлиқлиги ҳисобланади.

Асоссиз равишда катта миқдорда қиммат қўшимча текшириш усулларида фойдаланган ҳолда бош айланишининг қон томирлар билан боғлиқ сабаблар гипердиагностикаси ва периферик сабаблар гиподиагностикаси маҳаллий тиббиёт учун долзарбдир.

Ўзбекистон Республикасида ўтказилган илмий тадқиқот натижалари қийинчилик туғдирувчи сабаблар вестибуляр патологиянинг гетерогенлигидан ташқари, маълумотларнинг етарлича бўлмаганлиги, узоқ вақт кечишига олиб келувчи механизмлар тўлиғича тадқиқ этилмасдан қолганлиги, ташхисот ва даволаш билан боғлиқ муаммолар сақланганлигини кўрсатади (Ачилова Д. Н.,2016).

Ушбу муаммоларнинг ечими ЛОР амалиётида вертебробазилар етишмовчилик фонида кузатиладиган хавфсиз хуружсимон ҳолатий бош айланишининг ташхисоти ва даволаш тактикасини такомиллаштиришга

имкон беради, қайсики соғлиқни сақлашнинг асосий вазифаларидан бири бўлиб ҳисобланади. Юқорида келтирилганлар асосида бош айланишини эрта ташхисот этишга ва касалликни консерватив даволаш самарадорлигини оширишга йўналтирилган илмий тадқиқотлар ўтказилиши мумкин.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат тиббиёт унивеситети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №01980006703 «Ташхисот, даволаш ва профилактиканинг замонавий усуллари ишлаб чиқиш» (2015-2018 йй.) доирасида бажарилган.

Тадқиқот мақсади вертебробазиляр етишмовчилик фонида кузатиладиган хавфсиз хуружсимон ҳолатий бош айланиши мавжуд беморларни ташхислаш ва реабилитация қилишга тизимли ёндашувни ўрганишдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

1. ВБЕ фонида кечувчи ХХХБА ривожланишига сабаб бўлувчи мойил омилларни аниқлаш ва уларнинг касаллик кечишига таъсирини баҳолаш.

2. D витамини танқислиги ВБЕ фонида кечувчи ХХХБА нинг қайталаниб кечиш эҳтимоли ўртасидаги ўзаро боғлиқликни, шунингдек вертебрал-базиляр тизимда қон оқимининг бузилиши фонида аниқлаш.

3. Даволашдан олдин ва терапиянинг турли босқичларида ХХХБА мавжуд беморларда вестибуляр миоген чақирилган потенциалларни (цервикал ва окуляр) қайд этиш ёрдамида отолит аъзоларнинг (утрикулос ва саккулос) функционал ҳолатини баҳолаш, шунингдек касалликнинг қайталаниши нуқтаи назаридан уларнинг прогностик аҳамиятини аниқлаш.

4.. ВБЕ фонида кечувчи ХХХБА мавжуд беморларда кальций метаболизмини ўрганиш ҳамда кальций метаболизмининг бузилиши ва касаллик қайталаниши ҳамда ривожланиши ўртасида ўзаро боғлиқликни аниқлаш.

5. Вертебробазиляр етишмовчилик фонида кузатиладиган ХХХБА қайталаниб кечиш хавфи юқори бўлган беморлар учун оптимал профилактик алгоритмни ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти сифатида 18 ёшдан 70 ёшгача бўлган 106 нафар бемор, улардан 60 нафари ХХХБА ва 40 нафари вертебрал-базиляр етишмовчилик фонида кузатилган ХХХБА қайд этилган беморлар олинган.

Тадқиқот предмети - вертебробазиляр етишмовчилик фонида кузатилган ХХХБА мавжуд беморларнинг веноз қони, қон зардобидан иборат бўлган.

Тадқиқот усуллари. Биз умумий клиник, функционал, биокимёвий, рентгенологик, стабилOMETрик ва статистик усуллардан фойдаландик.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

вертебробазиляр етишмовчилик фонида кузатиладиган хавфсиз хуружсимон ҳолатий бош айланиши мавжуд беморларда окуляр вестибуляр миоген чақирилган потенциалларни динамик (вестибуляр реабилитациядан олдин ва ундан 7 кундан кейин) рўйхатга олиш ёрдамида утрикулос дисфункциясининг даражаси аниқланган;

вертебробазиляр етишмовчилик фонида кузатиладиган хавфсиз хуружсимон ҳолатий бош айланиши мавжуд беморларда Д витамини танқислигини аниқлаш, касалликнинг қайталанувчи шаклларининг ривожланишига сабаб бўлиши, касалликнинг оғирроқ кечиши ҳамда ифодаланган интензивликдаги бош айланиши хуружларини келтириб чиқариши исботланган;

кальций метаболизмининг бузилиши билан боғлиқ бўлган қайталанувчи ХХХБА ли беморларда муваффақиятли ўтказилган вестибуляр реабилитациядан сўнг 7-кунда окуляр ВМЧПларнинг клиник жиҳатдан аҳамиятли (40% дан ортиқ) асимметрияси туфайли асосан ипсилатерал ХХХБА қайталанишининг юзага келиши (15% қайталанмайдиган ХХХБА га қараганда 78%) гипокальцемия (ушбу гуруҳдаги 2,5% қайталанишларсиз ХХХБАли беморларга қараганда 44%), гипокальциурия билан асосланганлиги (ушбу гуруҳдаги 5% қайталанишларсиз ХХХБАли беморларда қараганда 44%) исботланган;

илк бор, кенгайтирилган кенг қамровли отоневрологик текширув натижалари ХХХБА билан касалланган беморларда бузилишларнинг табиати ва локализациясини аниқлашга ҳамда эшитиш ва вестибуляр анализаторнинг шикастланиш даражасини белгилаш имконини берган

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Вертебро-базиляр етишмовчилик фонидаги ХХХБАни текшириш учун хавф омиллари, клиник кечишининг хусусиятлари ва стадиометрик тадқиқотларнинг қўшимча ташхисот мезонлари таклиф этилган.

Вертебро-базиляр етишмовчилик фонидаги ХХХБА ташхисоти учун стабилOMETрик кўрсаткичлар ишлаб чиқилган ва тиббиёт муассасаларида қўлланилиши учун жорий этилган.

Вертебро-базиляр етишмовчилик фонидаги ХХХБА терапиясининг шахсийлаштирилган схемалари тасдиқланган, қайсики касалликнинг клиник кўринишига ва лаборатор кўрсаткичларига бевосита ижобий таъсир кўрсатган ҳамда касалликнинг қайталаниши пасайишига олиб келган.

Д витамини танқислиги, гипокальцемия ва гипокальциурия ХХХБА ривожланиши учун хавф омилли эканлиги ҳамда ушбу ҳолат асосида эндокринолог томонидан даволангандан сўнг, барча текширилган беморларда фосфор-кальций алмашинуви кўрсаткичлари меъёрга келганлиги аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги исботланган назарий ва амалий ёндашувлар ва усулларнинг қўлланилиши, беморларнинг етарли миқдордаги танламаси билан белгиланган, шунингдек, замонавий функционал ва статистик тадқиқот усуллари ёрдамида тасдиқланган. Олинган маълумотлар хорижий ва маҳаллий тадқиқотлар билан таққосланган, шахсий тадқиқот натижаларидан хулосалар қилинган ва асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, муаллифлар вертебро-базиляр етишмовчилик фонидаги ХХХБАли беморларнинг маълумотларини назарий тиббиёт учун муҳим рол ўйнайдиган касалликнинг кечиши ва прогнози бўйича ўрганишган. Тадқиқот натижалари

вертебро-базиляр етишмовчилик фонидаги ХХХБАнинг ташхисоти ва даволашни такомиллаштиришга имкон берувчи кўшимча диагностика мезонлари сифатида таклиф этилиши мумкин.

Амалий соғлиқни сақлаш учун Д витамини препаратларини қўллаган ҳолда вертебро-базиляр етишмовчилик фонидаги ХХХБАли беморларни аниқлашнинг индивидуаллаштирилган ташхисот усуллари синовдан ўтказилди ва жорий этилди. Анъанавий даволашда Д витаминини индивидуаллаштирилган ҳолда тайинланиши касалликнинг клиник кечишига ва стабиллометрик кўрсаткичларга ижобий таъсир кўрсатган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Самарқанд давлат тиббиёт университетининг 2024 йилдаги 2 апрелдаги 30-сон хулосасига кўра (илмий янгиликларни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлигига СамДТУ проректори томонидан 2024 йил 2 апрел № 2568 сонли хат юборилган):

Биринчи илмий янгилик: Илмий янгиликнинг моҳияти: окуляр вестибуляр миоген чақирилган потенциалларни динамик (вестибуляр реабилитациядан олдин ва ундан 7 кундан кейин) рўйхатга олиш ёрдамида баҳоланиши мумкин бўлган утрикулос дисфункциясининг даражаси ХХХБА қайталаниб кечиш табиатига таъсир қилиши аниқланган; Илмий янгиликнинг аҳамияти: Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, хуружсимон ҳолатий ҳолатий бош айланиши мавжуд бўлган окуляр вестибуляр миоген чақиртилган потенциални қайд этишда амплитудасининг 40 % дан ортиқ клиник жиҳатдан аҳамиятли асимметрияси аниқланган, даволашдан олдин қайд қайд этишда зарарланган томонда жавоб амплитудасининг ифодаланган даражада ўсиши ҳамда муваффақиятли ўтказилган репозицион даволашда отолит мембранаси юзасида отолитлар рефикацияси натижасида утрикулос функцияси яхшиланганлиги ҳақида далолат беради иқтисодий самарадорликни ошириш имкониятини беради; Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: Самарқанд шаҳар тиббиёт бирлашмаси марказий шифохонасида 2024 йил 27-март 6-сонли буйруқ билан, РШТЎИМ ТВФда 2024 йил 30 мартдаги 751-7-107-ТВ/2024-сонли буйруқ билан клиник амалиётга жорий этилган.

Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: Бош айланиши безовта қиладиган беморларни жисмоний реабилитация қилишнинг ишлаб чиқилган усули узоқ муддатли ва барқарор ижобий таъсир кўрсатади ҳамда беморнинг ҳаёт сифатини яхшилашга имкон беради, асоратларни камайтириш ва тиббий ёрдам сифатини ошириш имконини берган. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: вестибуляр бузилишлари мавжуд бўлган беморларни ташхисот этиш ва реабилитация қилиш жиҳатларини бундай кўп қиррали ўрганиш маълум даражада қўйилган саволларга жавоб беришга ва иқтисодий самарадорликни ошириш имкониятини беради. Хулоса: ВБ билан касалланган беморларда диагностика ва даволаш бўйича таклиф этилган алгоритм ва комплекс ёндашувдан фойдаланиш беморларда МК патологиясини ташхислаш ҳамда башоратлаш, стационар шароитида 1 нафар бемор учун 2 кун ҳисобига бюджет маблағларини 130 000 сўм иқтисод қилиш имконини берган. Илмий

янгиликдан кенгайтирилган холда фойдаланиши: “Вертебробазиляр етишмовчилик фонида яхши сифатли пароксизмал позицион бош айланиши бўлган беморларнинг диагностикаси ва реабилитациясига тизимли ёндашув” мавзусидаги илмий янгиликларни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлигига СамДТУ проректори томонидан 2024 йил 2 апрел № 2568 сонли хат юборилган.

Иккинчи илмий янгилик: Илмий янгиликнинг моҳияти: Вертебробазиляр етишмовчилик фонида кечувчи хуружсимон ҳолатий бош айланиши мавжуд беморларда Д витамин танқислиги ва унинг касалликнинг кечиши билан ўзаро боғлиқлигини Д витамини танқислиги ва унинг касалликнинг кечиши билан ўзаро боғлиқлигини аниқлаш касалликнинг қайталанувчи шаклларида ривожланишига сабаб бўлиши, шунингдек касалликнинг оғирроқ кечишини ҳамда ифодаланган интенсивликдаги бош айланиши хуружларини келтириб чиқариши ифодаланган. Илмий янгиликнинг аҳамияти: Тадқиқот натижаларнинг илмий аҳамияти шундан иборатки, периферик ва марказий вестибуляр бузилишларнинг клиник хусусиятлари аниқланган ва амалиётчи шифокорлар учун вестибуляр бузилишларнинг зарарланиш даражаси ва оғирлик даражасини аниқлаш имконини берувчи ташхисот тадбирларининг алгоритми ишлаб чиқилган. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: Самарқанд шаҳар тиббиёт бирлашмаси марказий шифохонасида 2024 йил 27-март 6-сонли буйруқ билан, РШТЎИМ ТВФда 2024 йил 30 мартдаги 751-7-107-ТВ/2024-сонли буйруқ билан клиник амалиётга жорий этилган. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: Вертебро-базиляр етишмовчилик фонида кечувчи хуружсимон ҳолатий бош айланиши мавжуд беморларда Д витамин танқислиги ва унинг касалликнинг кечиши билан ўзаро боғлиқлигини ва стабиллометрик кўрсаткичларига қараб ҳамда анъанавий отоневрологик кўрикларидан, касалликни беқарорлашиш хавфини ҳамда прогнозини баҳолаш учун дастур яратилган ва эрта ташхислаш мезонлари такомиллаштирилган. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: Вертебро-базиляр етишмовчилик фонида кечувчи хуружсимон ҳолатий бош айланиши мавжуд беморларда эрта ташхислаш натижасида асоратлар сони камайтирилган ва стационарда даволаш ётоқ куни 2 кунга қисқарганлиги ҳисобида 280 000 сўм давлат бюджети маблағларини иқтисод қилиш имконини берди. Хулоса: Бош айланиши билан оғриган беморларда такомиллаштирилган диагностика-даволаш чора тадбирларни қўллаш натижасида 1 нафар бемор ҳисобига давлат бюджети маблағларини 360 000 сўмга иқтисод қилиш имконини берди. Илмий янгиликдан кенгайтирилган холда фойдаланиши: “Вертебробазиляр етишмовчилик фонида яхши сифатли пароксизмал позицион бош айланиши бўлган беморларнинг диагностикаси ва реабилитациясига тизимли ёндашув” мавзусидаги илмий янгиликларни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлигига СамДТУ проректори томонидан 2024 йил 2 апрел № 2568 сонли хат юборилган.

Учинчи илмий янгилик: Илмий янгиликнинг моҳияти: кальций метаболизмининг бузилиши билан боғлиқ бўлган қайталанувчи ХХХБА ли

беморларда муваффақиятли ўтказилган вестибуляр реабилитациядан сўнг 7-кунда окуляр ВМЧПларнинг клиник жиҳатдан аҳамиятли (40% дан ортик) асимметрияси туфайли асосан ипсилатерал ХХХБА қайталанишининг юзага келиши (15% қайталанмайдиган ХХХБА га қараганда 78%) гипокальцемия (ушбу гуруҳдаги 2,5% қайталанишларсиз ХХХБАли беморларга қараганда 44%), гипокальциурия билан асосланганлиги (ушбу гуруҳдаги 5% қайталанишларсиз ХХХБАли беморларда қараганда 44%) исботланган. Илмий янгиликнинг аҳамияти: Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, кальций метаболизмнинг бузилиши билан боғлиқ бўлган қайталанувчи ХХХБА ли беморларда муваффақиятли ўтказилган вестибуляр реабилитация бундай кўп қиррали ўрганиш маълум даражада қўйилган саволларга жавоб беришга ва иқтисодий самарадорликни ошириш имкониятини беради; Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: Самарқанд шаҳар тиббиёт бирлашмаси марказий шифохонасида 2024 йил 27-март 6-сонли буйруқ билан, РШТЎИМ ТВФда 2024 йил 30 мартдаги 751-7-107-ТВ/2024-сонли буйруқ билан клиник амалиётга жорий этилган. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: Вертебро-базилляр етишмовчилик фонида ХХХБА бор беморларни жисмоний реабилитация қилишнинг ишлаб чиқилган усули узоқ муддатли ва барқарор ижобий таъсир кўрсатади ҳамда беморнинг ҳаёт сифатини яхшилашга имкон беради, асоратларни камайтириш ва тиббий ёрдам сифатини ошириш имконини берган. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: вестибуляр бузилишлари мавжуд бўлган беморларни ташхисот этиш ва реабилитация қилиш жиҳатларини бундай кўп қиррали ўрганиш маълум даражада қўйилган саволларга жавоб беришга ва иқтисодий самарадорликни ошириш имкониятини беради. Хулоса: Вертебро-базилляр етишмовчилик фонида ХХХБА бор беморларни жисмоний реабилитация буйича таклиф этилган комплекс ёндашувдан фойдаланиш беморларда стационар шароитида 1 нафар бемор учун 2 кун ҳисобига бюджет маблағларини 68 000 сўм иқтисод қилиш имконини берган. Илмий янгиликдан кенгайтирилган ҳолда фойдаланиши: “Вертебробазилляр етишмовчилик фонида яхши сифатли пароксизмал позицион бош айланиши бўлган беморларнинг диагностикаси ва реабилитациясига тизимли ёндашув” мавзусидаги илмий янгиликларни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлигига СамДТУ проректори томонидан 2024 йил 2 апрел № 2568 сонли хат юборилган.

Туртинчи илмий янгилик: Илмий янгиликнинг моҳияти: вертебро-базилляр етишмовчилик фонида ХХБА бузилишларнинг зарарланиш даражасини, беморларда касалликнинг оғирлик даражасини аниқлаш ҳамда бемор учун кўпгина ҳолларда керак бўлмаган текширишларни ўтказмаслик ва зарур бўлган кейинги диагностик муолажалар спектрини аниқлашга имкон берган вертебро-базилляр етишмовчилик фонида ХХБА бузилишлари мавжуд беморларда компьютер-стабилометриқ усул билан биргаликда отоневрологик текширувлар комплекси ўтказилган. Илк мартаба яратилган компьютер дастури вестибуляр бузилишларнинг периферик ёки марказий зарарланиши ва беморларда касалликнинг кечиши даражасини аниқлашга имкон берди;

Илмий янгиликнинг аҳамияти: Тадқиқот натижаларнинг илмий аҳамияти шундан иборатки, периферик ва марказий вестибуляр бузилишларнинг клиник хусусиятлари аниқланган вестибуляр бузилишларнинг зарарланиш даражаси ва оғирлик даражасини аниқлаш имконини берувчи ташхисот тадбирларининг алгоритми ишлаб чиқилган. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: Самарқанд шаҳар тиббиёт бирлашмаси марказий шифохонасида 2024 йил 27-март 6-сонли буйруқ билан, РШТЎИМ ТВФда 2024 йил 30 мартдаги 751-7-107-ТВ/2024-сонли буйруқ билан клиник амалиётга жорий этилган. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: вертебро-базилар етишмовчилик фонида ХХБА бузилишларнинг мавжуд беморларда касалликнинг оғирлик даражаси, фаоллиги ва стабиллометрик курсаткичларига қараб ҳамда анъанавий отоневрологик курикларида, касалликни беқарорлашиш хавфини ҳамда прогнозини баҳолаш учун дастур яратилган ва эрта ташхислаш мезонлари такомиллаштирилган. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: вертебро-базилар етишмовчилик фонида ХХБА бузилишларнинг мавжуд беморларда нотугри ташхислаш сонини камайтириш ва амбулатор даволашга 560 000сўм давлат бюджети маблағларини иқтисод қилиш имконини берди. Хулоса: Вертебро-базилар етишмовчилик фонида ХХБА билан оғирган беморларда такомиллаштирилган диагностика-даволаш чора тадбирларни қўллаш натижасида 1 нафар бемор ҳисобига давлат бюджети маблағларини 560 000 сўмга иқтисод қилиш имконини берди. Илмий янгиликдан кенгайтирилган ҳолда фойдаланиши: “Вертебробазилар етишмовчилик фонида яхши сифатли пароксизмал позицион бош айланиши бўлган беморларнинг диагностикаси ва реабилитациясига тизимли ёндашув” мавзусидаги илмий янгиликларни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлигига СамДТУ проректори томонидан 2024 йил 2 апрел № 2568 сонли хат юборилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқотдан олинган натижалар бўйича жами 14 та илмий иш, жумладан, 2 та тезис, 2 та услубий тавсиянома, 1 та ЭХМ дастури, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 9 та мақола, улардан 4 таси республика ва 5 та мақола хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хотима, хулосалар, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 115 бетни ташкил этган, 22 та жадвал ва 6 та расм мавжуд.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, республикада фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилингани тўғрисида, шунингдек, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Вестибуляр бузилишлар структурасида хавфсиз хуружсимон ҳолатий бош айланиши (адабиётлар шарҳи)”** деб номланган **биринчи бобида** вертебро-базиляр етишмовчилик фонида кузатиладиган хавфсиз хуружсимон ҳолатий бош айланиши ҳақида замонавий маълумотларга тааллуқли бўлган мунозарали масалаларни акс эттирувчи илмий манбалар тўғрисидаги маълумотлар келтирилган. Замонавий ташхисот ва даволаш усуллари акс эттирилган. Боб якунида таҳлил этилган материални умумлаштирувчи хулосалар келтирилган.

Диссертациянинг **“Тадқиқот материаллари ва усуллари. Текширилган беморларнинг умумий тавсифи”** деб номланган **иккинчи бобида** клиник материал, тадқиқот усуллари ва дифференцирланган даволаш усуллари тавсифи келтирилган. Бош айланишини баҳолаш учун DHI шкаласи қўлланилган; умуман олганда, ушбу шкала бош айланишининг беморни жисмоний ва эмоционал ҳолатига таъсирини миқдорий жиҳатдан баҳолашга имкон беради, улар орасида хавфсиз хуружсимон ҳолатий бош айланиши мавжуд бўлган, шунингдек вертебро-базиляр етишмовчилик фонида қайд этилган бош айланиши кузатилган 106 нафар бемор текширилган.

ХХХБА ташхиси ЖССТ талабларига мувофиқ верификациядан ўтказилди ва касалликларнинг халқаро таснифи 10-ХКТ бўйича таснифланди. Касаллик ташхисини қўйишда беморларни текширишнинг анамнестик, клиник, лаборатор ва инструментал маълумотлари ҳисобга олинди. Беморларни асосий ва назорат гуруҳларига тўплаш бир вақтда, асосан, қиш, баҳор ва куз фаслларида параллел равишда амалга оширилди. Барча текширилган беморлар учун мажбурий текширув ЛОР аъзоларини текшириш, шикоятлар ва анамнестик маълумотларни тўплаш ва таҳлил қилишдан иборат эди. Ўтмишда тизимли бош айланиши эпизодлари мавжудлиги факти, олдинги бош айланиши хуружини ХХХБА билан боғлаш ва бош айланишининг бошқа эҳтимолий сабабларини (соматик патология, постурал перцептив бош айланиши ва ҳ.к.) истисно қилиш имконияти батафсил ёритилган. Мияча атаксиясини аниқлаш учун қўшимча синамалардан фойдаланган ҳолда стандарт неврологик кўрик амалга оширилди.

Батафсил отоневрологик текширув қуйидагилардан иборат: 9 позицияда кўз ҳаракати, Халмаги синамаси (вестибуло-окуляр рефлексни текшириш), Унтербергер синамаси (Фукуда тести), Дикс-Холлпайк синамаси (орқа ярим

айлана каналнинг зарарланиши билан ХХХБА учун ҳолатий синама), roll-тест (горизонтал ярим айлана каналнинг зарарланиши билан ХХХБА учун ҳолатий синама), каровот олди клиник Хальмаги-Кертройз тести ёрдамида вестибуло-окуляр рефлексни баҳолаш, брахиоцефал артерияларнинг экстракраниал бўлимларини дуплекс сканерлаш ва эшитиш қобилиятини тахминий текшируви.

Асосий ва назорат гуруҳларининг барча беморларини тасдиқлаш учун ИНВИТРО лабораториясида ўтказилган стандарт иммунофермент таҳлили (ELISA) ёрдамида зардобдаги D витамини даражаси текширилди, шунингдек, умумий кальций, ионланган кальций ва паратгормон таҳлили ўтказилди. Кальций алмашинувининг бузилишини аниқлашдан ташқари, ушбу тадқиқотлар рўйхати D витамини терапиясининг хавфсизлик даражасини баҳолашга, хусусан, D витамини терапиясини ўтказишга монелик бўлувчи гиперпаратиреоз ва гиперкальцемия хавфини аниқлашга имкон берди. Олдинга қўйилган вазифаларни амалга ошириш учун беморлар 2 гуруҳга бўлинган.

Назорат гуруҳини 60 нафар хавфсиз хуружсимон ҳолатий бош айланишининг классик шакли қайд этилган беморлар ташкил этди. Асосий гуруҳ (I) вертебро-базилар етишмовчилик фонида кузатилган хавфсиз хуружсимон ҳолатий бош айланиши мавжуд бўлган 46 нафар бемордан иборат бўлиб, улар ўз навбатида 2 та кичик гуруҳга бўлинган: А-гуруҳ - D витамини даражаси 12 нг/мл дан кам бўлган 20 нафар бемор, Б-гуруҳ - D витамин танқислиги даражаси 12 нг/мл дан ортиқ бўлган 26 нафар бемор. D витамини даражасининг кўрсаткичи этиб 12 нг/мл белгиланган, чунки танқислик, етишмовчилик ёки оптимал таркиб бўйича умумий қабул қилинган тасниф мавжуд эмас. Турли халқаро профессионал ташкилотларнинг фикрлари турлича. Ушбу тадқиқот ишида мувофиқ таққослаш гуруҳларини яратиш учун Халқаро эндокринология Жамияти ва АҚШ Тиббиёт Институтининг клиник кўрсатмаларида D витамини танқислигига мос келадиган чегаравий қиймат - 12 нг/мл (жумладан 12 ни ҳам ўз ичига олади) танланган.


D витамини танқислиги кўринишидаги кўрсатмалар мавжуд бўлганида ва бемор препаратни қабул қилишга розилик билдирганида, D витамини танқислигини даволаш учун тавсия этилган схемалардан бирига мувофиқ D витамини буюрилди (савдо номлари "аква-детрим" ёки "вигантол"). Беморларнинг ёши 19 ёшдан 70 ёшгача бўлиб, ўртача $50,34 \pm 10,13$ ёшни ташкил этди. Касалланишнинг энг юқори даражаси 31 ёшдан 40 ёшгача ва 41 ёшдан 50 ёшгача, яъни фаол меҳнатга лаёқатли ёшда кузатилди, қайсиким муаммонинг катта ижтимоий аҳамиятга эга эканлигини тасдиқлайди.

Олинган маълумотлар таҳлили ўртача арифметик вариацион қатор (M) ва унинг стандарт хатолиги (m) ҳисобини ўз ичига олган. Таққосланувчи гуруҳларда олинган тафовутлар ишончилиги Стьюдентнинг t-мезони бўйича баҳоланган. Таққосланувчи гуруҳлардаги кўрсаткичларнинг тафовутлар ишончилиги баҳоланган (тафовутлар $p < 0,05$ даражада статистик жиҳатдан аҳамиятли саналган).

Диссертациянинг “Вестибуляр бузилишлари мавжуд беморларда ички қулоқ ҳолати ва кальций-фосфор алмашинуви натижалари” деб номланган учинчи бобида шахсий тадқиқот натижалари таҳлил этилган. Текширилган гуруҳ таҳлили аксарият ҳолларда КМЖ, вирусли инфекциялар, остеохондроз, яллиғланиш касалликларидан иборат эди.

Барча беморлар тизимли бош айланиши хуружларига, вегетатив бузилишлар, мувозанатнинг бузилишига шикоят қилишган. Ҳолатий бош айланиши интенсивлиги турлича бўлган, уни 50,7% ҳолатда бош айланиш сезгисининг қисқа эпизоди сифатида, 10,7% ҳолатда тўсатдан эс-хушни қисқа вақтда йўқотиш каби, 29,3% ҳолатда йиқилиш эпизодлари билан турли айланмалар сифатида тасвирлашган.

Ёндош касалликлар структурасида гипертония касаллиги – 11 тани, юрак ишемик касаллиги 8 тани, қандли диабет – 13 тани, нейроциркулятор дистония – 28 тани ташкил этади. Барча беморларда оториноларингологик текширув ўтказилган ва ЛОР аъзоларининг ёндош патологияси аниқланган. Маълумотлар 1-расмда келтирилган.



1-расм. ХХҲБАли беморларда ёндош ЛОР патология маълумотлари

ЛОР аъзолари текширилганда - 10 нафар беморда сурункали тонзиллит, 2 нафарда сурункали фарингит, 5 нафарда сурункали гайморит, 4 нафарда, жумладан 3 та ҳолатда ўнг, 1 та ҳолатда чап қулоқда сурункали йирингли ўрта отит ва 5 нафар беморда бурундан нафас олиш функцияси сақланган ҳолда бурун тўсиғи қийшайиши аниқланган.


Тонал бўсағали аудиометрия ўтказилганда пресбиакүзис 8 нафар беморда, икки томонлама юқори частотали нейросенсор оғирқулоқлик 4 нафар, бир томонлама нейросенсор оғирқулоқлик, 1-2-даражаси 2 нафар беморда қайд этилган. Импедансометрияда 2 нафар беморда бир томондан С типига мос келувчи, 6 нафар беморда икки томондан А типигаги тимпанограмма кузатилган.

Статик ва динамик мувозанат функциясини баҳолашга қаратилган тестлар текширилганларнинг ҳеч бирида бузилишларни кўрсатмади. Френзел кўзойнақларидан фойдаланган ҳолда ўтказилган кенг қамровли вестибулометриқ тадқиқот натижасида қуйидаги маълумотлар олинди. Спонтан нистагм 45 нафар (69,2%) беморда аниқланган, 20 нафар (30,7%) беморда эса у кузатилмаган. Очик кўзлар билан ўтказилган тадқиқотда 5 нафар

(7,6%) кишида яққол намоён бўлувчи I даражали, бир томонлама, горизонтал, клоник, ритмик спонтан нистагм қайд этилган.

Яширин спонтан горизонтал нистагм 24 нафар кишида аниқланган, улардан 13 нафарида у бир томонлама (7 нафарида ўнгда, 6 нафарида чапда) бўлган, 9 нафар кишида эса икки томонлама бўлиб, амплитудаси 7,2 ни ташкил этган. Ўз тавсифларига кўра, нистагм турли ифодаланганлик даражасида, кичик ўлчамли, клоник-тоник, ҳам ритмик, ҳам дизритмик эди. Халмаги тестидаги горизонтал ВОР барча текширилган беморларда визуал тарзда сақланиб қолган. Гипорефлексия хос бўлиб, у диссоциациясиз калорик нистагмнинг давомийлиги билан намоён бўлган.


Калорик ва айланма синамаларнинг маълумотларига кўра, 29 нафар (44,6%) беморда тажрибавий вестибуляр реакциялар (ТВР) кечишининг бузилганлик белгилари аниқланди. Барча тадқиқ этилган беморларда окуляр ВМЧП динамик қайд этилган, бўсағалар, юзага келган жавоб латентлиги, соғлом ва зарарланган томонда p1-n1 умумий амплитуданинг ўртача қийматлари, шунингдек жавоб амплитудасининг асимметрияси баҳоланган. Цервикал ВМЧП ни ўрганиб, бўсағалар, юзага келган жавоб латентлиги, соғлом ва зарарланган томонда умумий амплитуданинг ўртача қийматлари баҳоланган. Асосий гуруҳда даволашдан олдин окуляр ВМЧП ни қайд этишда окуляр ВМЧП амплитудасининг 40 % дан ортиқ клиник жиҳатдан аҳамиятли асимметрияси аниқланган бўлиб, у 47,8+5,7% ни ташкил этган. Даволашдан олдин окуляр ВМЧП ни динамик қайд этиш маълумотлари 92,5+2,5дБ ни, латентлик p10-10,4+0,4мс, p15-15,3+0,4мс ни, соғлом томонда p1-n1 умумий амплитуданинг ўртача қийматлари -12,836+1,091 мкВ, зарарланган томонда -4,621+0,696 мкВ ни, p1-n1 асимметрияси 40%дан ортиқни ташкил этган (2-расм).



2-расм. Даволашдан олдин беморларда окуляр ВМЧП. Бемор К., 39 ёшда, Чап ОЯАК ХХҲБА

Муваффақиятли ўтказилган репозицион даволашдан кейин 7 кун ўтгач, окуляр ВМЧП ни қайта қайд этишда зарарланган томонда жавоб амплитудасининг ифодаланган даражада ўсиши (соғлом томонда p1-n1 ўртача қийматлари 15,12+3,22 мкВ, зарарланган томонда-11,97+3,25 мкВ), шунингдек

окуляр ВМЧП амплитудаси асимметриясининг тикланиши кузатилди. 12 ой давомида ХХХБА қайталаниши текширилган беморларнинг бирортасида аниқланмади. Окуляр ВМЧП ни қайд этишда зарарланган томонда окуляр ВМЧП амплитудасининг давом этувчи ўсиши ва жавоб симметрияси эътиборни тортади, қайсики иккала гуруҳ беморларида утрикулюс функциясининг тикланиши ҳақида далолат беради (3-расм).




3-расм. Муваффақиятли даволашдан кейин 7 кун ўтгач, беморда цервикал ВМЧП. Бемор К., 39 ёшда, чап ОЯАК ХХХБА.

Олинган маълумотлар муваффақиятли ўтказилган репозицион даволашда отолит мембранаси юзасида отолитлар рефикацияси натижасида утрикулюс функцияси яхшиланганлиги ҳақида далолат беради.

Барча беморлар компьютер стабилметрияси усулида текширилди. Биз очик ($-13,40 \pm 0,42$ мм) ва ёпиқ кўзлар ($34,70 \pm 0,22$ мм) билан ўтказилган синамаларда X ўртача қийматининг статистик жиҳатдан аҳамиятли фарқини қайд этдик, Стьюдентнинг жуфт t-мезони 2,98 ни ташкил этган, қайсики $p < 0,05$ да критик қийматдан юқори бўлган. Иккала синамаларда X ва Y қийматларининг дисперсиясини баҳолашда биз уларнинг $p < 0,05$ да ишончли фарқини аниқладик.


ХХХБАли беморлар томонидан очик кўзлар билан синамани бажаришда биз S ($16424,3 \pm 87,12 \text{ мм}^2$), L ($161,54 \pm 0,96 \text{ мм}$) ва V ($22,70 \pm 0,13 \text{ мм/с}$) ўртача қийматларининг гуруҳда ёпиқ кўзлардаги ўртача кўрсаткичларга қараганда ($S=19827,1 \pm 0,25 \text{ мм}^2$, $L=1810,6 \pm 1,09 \text{ мм}$, $V=40,01 \pm 0,01 \text{ мм/с}$) ортанлигини қайд этдик. Беморлар томонидан иккала синамани бажаришда ушбу кўрсаткичларнинг фарқи $p < 0,05$ бўлганда статистик жиҳатдан аҳамиятга эга бўлган. Стьюдентнинг жуфт t-мезони S, L ва V учун критик қиймат 2,02 бўлганда мос равишда 5,53, 6,09 ва 6,8 ни ташкил этган. Ромберг коэффиценти $267,75 \pm 0,16\%$ ни ташкил этган, қайсики ХХХБАли беморлар орасида ёпиқ кўзлар билан асосий тик ҳолатни ўрганишда статокинезиограмма майдони очик кўзлар билан тадқиқ этилган худди шундай

майдондан деярли 4 маротаба каттароқ эканлиги ҳақида далолат беради (4-расм).



4-расм. ХХҲБАли беморларни очик (1) ва ёпиқ (2) кўзлар билан текширишда координаталар тизимидаги ЛБ ўртача ҳолатларининг қиёсий баҳоланиши.

Шундай қилиб, ХХҲБАли беморларда визуал назоратнинг йўқлиги ишончли тарзда ЛБ дискрет ҳолатлари тарқоқлигининг сагиттал текисликда ошишига ва фронтал текисликда тарқоқликнинг бирмунча камайишига олиб келади. ХХҲБАли беморларнинг ушбу маълумотлари назорат гуруҳидаги шахсларга қараганда вертикал тик ҳолатнинг камроқ даражадаги турғун мувозанати ҳақида далолат беради. Ёпиқ кўзлар билан ўтказилган синамада ва Romb да S нинг юқори қиймати гавданинг ортостатик ҳолати устидан визуал назорат бўлмаганида беморларда сезиларли постурал танқисликни кўрсатади. Шунингдек, ХХҲБАли беморлардаги постурал тактиканинг соғлом шахслардан фарқи вертикал тик ҳолатни ушлаб турганда қайд этилган, қайсиқим иккала текисликда тебранишлар максимал амплитудасининг катта қиймати, уларга мос келувчи частоталарнинг катта қиймати ва ЛБ силжиши тезлигининг катта қиймати билан намоён бўлади. Кальций метаболизми ҳолатини текшириш мақсадида фосфор-кальций алмашинувининг лаборатор кўрсаткичлари баҳоланган (5-расм).



5-расм. Даволашдан олдин иккала гуруҳдаги беморларда кальций метаболизми лаборатор кўрсаткичларини ўрганиш натижалари.

Олинган маълумотлар ХХХБАли беморларда 25(OH)D, кальцемиа ва кальциурия даражаси назорат гуруҳига қараганда ишончли тарзда пастрок бўлганлигини намойиш этади ($p < 0,05$). Аммо қондаги паратиреоид гормон ва фосфор маълумотлари назорат гуруҳига қараганда юқорирак бўлган. Олинган маълумотлар D витамини танқислиги, гипокальцемиа, гипокальциурия, қонда паратгормоннинг ошиши ва гиперфосфатемия ХХХБА ривожланишининг хавф омиллари эканлигидан далолат беради.


Кальций алмашинуви параметрларини ўрганиш зардобдаги D витамини даражасидан келиб чиқиб асосий ва назорат гуруҳидаги беморларда статистик жиҳатдан аҳамиятли тафовутни кўрсатди. Шундай қилиб, D витаминининг паст рақамлари ХХХБА ривожланиши билан боғлиқ, деб хулоса қилиш мумкин (1-жадвал). Кальций алмашинувининг қолган параметрлари бўйича статистик жиҳатдан аҳамиятли фарқ кузатилмади.

1-жадвал.

Касаллик қайталанишига қараб D витаминини текшириш натижаларини таққослаш.

кўрсаткич	Касаллик қайталаниши кузатилмаган беморлар, Ме	Касаллик қайталаниши кузатилган беморлар, Ме	P<0,05
Витамин D(нг/мл)	18(15,23)	12(10,14)	0,008

Жадвалдан кўришиб турибдики, ХХХБА қайталанишлари кузатилган беморларда статистик жиҳатдан аҳамиятли фарқларнинг юқори даражаси ($p = 0,0088$) D витаминининг танқислиги касалликнинг қайталанувчи шаклларини келтириб чиқаришини билдиради. Шундай қилиб, олинган рақамларни умумлаштириб, витаминнинг паст таркиби ХХХБА ривожланишининг, айниқса беморнинг жинсидан қатъий назар, касалликни қайталаниб кечишининг хавф омили ҳисобланади, деб хулоса қилиш мумкин. Барча беморларда визуал аналогли шкала (ВАШ-г), бош айланишни баҳолаш шкаласи ҳамда хавотир ва тушкунликнинг госпитал шкаласи бўйича тестлаш ўтказилди



6-расм. D витамин даражаси турлича бўлган беморларда ВАШ бўйича баҳолаш

Ушбу расмда Д витамини даражаси ва бош айланиши хуружларининг интенсивлиги ўртасида ўртача корреляцион боғлиқлик (0,41) аниқланди. Бош айланишининг ифодаланганлик шкаласи даражасини баҳолашда Д витаминининг 12 нг/ммоль дан паст рақамлари кузатилган беморларда бош айланиши симптомлари ифодаланганлигининг статистик жиҳатдан аҳамиятли фарқи қайд этилган, мазкур беморлар кучли бош айланишини ҳис этишган, витамин даражаси 12 нг/ммоль дан баланд бўлганда эса қайталанишлар кузатилмаган. Назорат гуруҳидаги 46 нафар беморларда Д витамини бўлинганда, унинг 12нг/ммоль дан юқори бўлиши ХХХБА хуружининг қайталаниши ва Д витамини танқислиги ҳақида далолат беради. Назорат гуруҳидаги беморларда ХХХБА анъанавий тарзда даволанган ҳамда кейинчалик вестибуляр гимнастика ўтказилган.

Суткалик пешобда кальций экскрецияси даражасини баҳолашда (меъёрда 2,5-7,5ммоль/кун) 4 нафар текширилган беморда гипокальциурия (18%, суткалик пешобда Са - $2,03 \pm 0,07$ ммоль/кун) аниқланди. Қолган 18 нафар (82%) беморда кальциурия даражаси $3,57 \pm 1,18$ ммоль/кун ни ташкил этди. Назорат гуруҳида кальциуриянинг ўртача даражаси $3,45 \pm 1,25$ ммоль/кун бўлган. **Интакт ПТГ** даражаси меъёр чегарасида бўлган ва ўртача $40,13 \pm 15,4$ пг/мл ни ташкил этган (меъёрда 15-65 пг/мл). ХХХБА ривожланиши ҳолатларининг Пирсон Хи-квадрат мезони ёрдамида баҳоланган 25 (ОН) D танқислиги мавжудлигига боғлиқлиги статистик жиҳатдан аҳамиятли бўлган ($p < 0,05$) бўлганда олинган қиймат критик қийматдан каттароқ бўлган: $14.092 > 9.05$), қайсиким 25(ОН)D танқислиги ушбу кичик гуруҳдаги беморларда ХХХБА ривожланиш хавф омили бўлиши ҳақида далолат беради. Гипокальцемиа ва гипокальциурия мазкур кичик гуруҳда ХХХБА ривожланишининг хавф омили ҳисобланади.


Кальций метаболизми кўрсаткичларининг **қўшма ўзгаришлари** (3 ва ундан кўп кўрсаткичларнинг ўзгариши) 2 ҳолатда кузатилди. Кальций метаболизми бузилишлари қайд этилган барча беморлар **аниқланган бузилишларни коррекция қилиш** учун эндокринологуга юборилган: 12 ойдан сўнг гипокальцемиа, гипокальциурия, Д гиповитаминози бирор бир текширилган беморда аниқланмаган.

Диссертациянинг **“Вертебро-базиляр етишмовчилик фонидagi ХХХБАли беморларда эшитиш ва вестибуляр анализатор ҳолати”** деб номланган тўртинчи бобида беморлардаги вертебро-базиляр етишмовчиликнинг тарқалганлиги ҳақида маълумотлар таҳлил этилган. Ушбу беморларнинг шикоятлари бош ҳолати ўзгарганда бош айланишининг кучайиши бўлиб, уларда бўйин позицияси нистагми кузатилган ҳамда Дикс-Холпайк тести мусбат бўлган. Мазкур патологияли беморлар турли мутахассисларда кузатилган, аммо назорат гуруҳидаги беморларда учрайдиган асосий шикоятларга бошқа неврологик шикоятлар ҳам қўшилган.

Ёндош соматик касалликлар биз текширган барча беморларда аниқланди, улар орасида бўйин умуртқалари остеохондрози кўпчилик беморларда – 35 нафар кишида тасдиқланди, гипертония касаллиги – 19 нафар кишида, юрак ишемик касаллиги 12 нафар, қандли диабет II типи - 6 нафар, нейроциркулятор

дистония гипертоник тури- 6 нафар, гипотоник тури - 8 нафар, гипофиз аденомаси - 1 нафар кишида қайд этилди. Дори-дармонларга эшакеми ва анафилактик шок шаклидаги аллергия реакциялар 6 нафар кишида, аллергияларнинг бошқа турларига реакциялар – 10 нафар беморда кузатилди, 1 нафар бемор атопик бронхиал астмадан азият чеккан. Ўтказилган аудиологик тадқиқотда (тонал бўсағали аудиометрия ва кенгайтирилган частота диапазонидаги аудиометрия) 25 нафар (55,5%) беморда сенсоневрал оғирқулоқлик, улардан бир томонлама оғирқулоқлик 9 нафар (20%) беморда (5 нафари ўнг томонлама, 4 нафари чап томонлама), икки томонлама оғирқулоқлик 16 нафар беморда аниқланди. Эшитиш қобилияти пасайишининг ифодаланганлиги бўйича I-даражали оғирқулоқлик – 9 та қулоқда, II даражали оғирқулоқлик – 8 та қулоқда, III-даражали оғирқулоқлик – 6 та қулоқда, IV- даражали оғирқулоқлик 2 та қулоқда қайд этилди. ТБА бўйича 11 нафар (29,7%) кишида эшитиш қобилияти ёшга оид меъерий чегараларда бўлган.

Очиқ кўзлар билан нистагми ўрганишда 3 нафар (8,1%) беморда ўз-ўзидан содир бўлувчи, яққол, бир томонлама горизонтал нистагм I-даражаси – кичик ўлчамли, клоник, ритмик шаклда аниқланган. Яширин ўз-ўзидан содир бўлувчи нистагм 31 нафар (83,9%) беморда қайд этилиб, у горизонтал, майда ва ўртача ўлчамли, ритмик, тоник-клоник бўлган (17 нафар кишида бир томонлама, 14 нафар кишида икки томонлама). Ўз-ўзидан содир бўлувчи нистагм 6 нафар (16,2%) беморда кузатилмаган. Калорик синама маълумотлари бўйича ушбу гуруҳдаги барча беморларда нистагм реакцияси кечишининг бузилиши кузатилган. Улардан 14 нафар (31,1%) беморда гиперрефлексия аниқланган, нистагм калорик ва айланма синамаларини ўтказишда амплитудаси бўйича ҳам, давомийлиги бўйича ҳам кучлироқ ифодаланган. 5-расмда очиқ ва ёпиқ кўзлар билан асосий тик ҳолатни ўрганишдаги маълумотлар келтирилган.



7-расм. Очиқ (1) ва ёпиқ (2) кўзлар билан БМСИ билан касалланган беморларни текширишда координаталар тизимидаги ЛБ ўртача ҳолатларини солиштирма баҳолаш

Иккала тадқиқотни бажаришда ЛБ ўртача ҳолатларининг фронтал ва сагиттал текисликларидаги катта асимметрияси мавжуд бўлмаган. Статокинезиограмма планшет текислигида ЛБ ҳаракатининг икки ўлчовли тасвири бўлганлиги сабабли, биз битта координата тизимида узлуксиз равишда X ва Y нинг ўртача қийматларини қиёсий таҳлил қилиш усулидан фойдаландик (5-расм). Эллипс маркази гуруҳдаги X ва Y ўртача қийматиға, радиуслари эса 95% ишончли интервалларнинг чегараларига тўғри келади. Бундай таҳлилда, очиқ кўзлар билан синамада ЛБ нинг ўртача ҳолатлари координата тизимининг бошланиши атрофида мужассамланганлиги, кўзлар юмилганда эса уларнинг дискрет ҳолатлари тарқалганлиги ҳамда асосан фронтал текисликда силжиши қайд этилди.

УТДГ ёрдамида бошнинг магистрал артерияларида қон оқимини ўрганиш маълумотларига кўра, 2-гуруҳдаги 9 нафар беморда умуртқа артериялари бўйлаб қон оқимининг гемодинамик жиҳатдан сезиларли асимметрияси 40-45% атрофида аниқланган. 3 нафар беморнинг чап умуртқа артериясида қон оқимининг чизиқли тезлиги (ҚОЧТ) пасайган ва ўртача $18,3 \pm 2,1$ см/с ни ташкил этган, 6 нафар беморнинг ўнг умуртқа артериясида қон оқимининг пасайиши қайд этилиб, ҚОЧТ $19,1 \pm 1,5$ см/с бўлган. Қолган 28 нафар беморнинг иккала умуртқа артерияларидаги қон оқимининг тезлиги меъёрий кўрсаткичлар чегарасида бўлган. 24 нафар кишида қон оқими спектрининг атеросклеротик типда ўзгариши аниқланди. Турли даражада ифодаланган вестибуляр бузилишлар барча текширилган гуруҳлардаги беморларнинг 100% ида мавжуд эди.

Энг ифодаланган даражадаги мияча бузилишлари беморларнинг асосий гуруҳида аниқланди, улар учун Ромберг ҳолатида оғирроқ атаксия ва координатор бузилишлар ҳамда юришнинг ўзгариши билан бирга тез-тез учраши хос бўлган. Атаксия камроқ ифодаланган даражада, кўпинча моносимптомли табиатга эга бўлган. Асосий гуруҳдаги беморларда вестибуляр атаксия координация бузилишлари билан бирга кузатилган (2-жадвал).

2-жадвал.

Текширилган гуруҳларда (с) рефлексор нистагм давомийлигини қиёсий баҳолаш (* $p < 0,05$; ** $p < 0,001$ бўлганда статистик жиҳатдан аҳамиятли фарқлар)

Гуруҳ	Айланма синамаси		Калорик синама			
	ўнг	чап	Совуқ сув (30 С)		Иссиқ сув (44 С)	
Асосий	38,1 +4,3	39,2+4,0**	112,2+12,3*	111,6+11,5	114,5+12	115,3+10,3**
назорат	24,5 +5,3	27,7+4,8**	78,1+16,5	92,1+13,3	86,1+15,6	91,1+13,7*
меъёр	24+2,0	24,3+1,9	84,2+9,9	86,2+10	85,8+8,9	87,5+9,4

Жадвалдаги маълумотлардан кўриниб турибдики, давомийлиги бўйича энг кўп давом этган нистагм реакцияси асосий гуруҳдаги беморларда қайд этилган ва у (Бонферрони тузатишлар киритилган синамада $p < 0,01$ да) назорат

гуруҳидаги ўртача қийматдан статистик жиҳатдан аҳамиятли даражада устун бўлган. Вертебро-базилляр етишмовчилик фонидаги ХХХБА ли беморларда кўпинча лабиринтлар гиперреактивлиги намоён бўлган, аммо рефлектор жавоб давомийлиги бўйича бир-биридан ишончли тарзда фарқ қилмаган. МК билан касалланган беморларда лабиринтлар реактивлигининг барча типлари қайд этилган, постротацион ва калорик нистагм давомийлиги кенг чегаравий доираларда бўлган. Гуруҳда ўртача қийматлар баланд эмас ва соғлом шахслардан статистик жиҳатдан сезиларли даражада фарқ қилмаган, ташхисот учун айнан лабиринтлар реактивлигининг табиати катта қийматга эга.

Иккала гуруҳдаги барча беморлардаги ХХХБА классик тарзда даволанди - орқа ярим айлана канал зарарланганда Эпли манёври, ёки горизонтал ярим айлана канал зарарланганда “барбекю” манёври ўтказилиб, сўнгра вестибуляр гимнастика ўтказиш тавсия этилди. Мультиканалли зарарланиш ҳолатида отолитларнинг муваффақиятли элиминацияси учун кўп сонли манёврлар ўтказиш талаб этилди. ХХХБА қайталанишининг юзага келишини кальций метаболизми кўрсаткичларида қўшма (3 ёки ундан кўп) ўзгаришлар мавжудлигига боғлиқлиги статистик жиҳатдан аҳамиятли эди ($p < 0,05$).

